ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

МАНБАШУНОСЛИК

Ф. Ибрагимов

“Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида

“Ал-Қонун ас-сағир фи-т-тибб” (“Кичик тиб қонуни”) асари X асрда араб тилида ёзилган. У 10 мақола ва 105 бобдан ташкил топган. Унда тиб илми назарияси ва амалиёти қисқача баён қилинган. Ҳозирги пайтда унинг тадқиқотчиларга маълум бўлган ўн иккита қўлёзмаси дунёнинг турли кутубхонларида сақланади. Қўлёзма нусхаларнинг тўққизтасида Абу Али ибн Сино (980–1037) ва учтасида Абу Али ибн Мандавайҳ (ваф. 1019) муаллиф экани кўрсатилган. Бу чалкашликнинг сабабларидан бири мазкур табиблар кунясининг бир хиллигидир. Бу муаммога тадқиқотнинг кейинги давомида ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирча ушбу асарнинг нашрлари масаласига тўхталамиз.

“Кичик тиб қонуни” тиб илмидан хабари бўлмаганларга мўлжалланган. Асримиз бошида ушбу асарни ўрганиш ва илмий жамоатчиликка танитиш мақсадида бир қанча олимлар томонидан изланишлар олиб борилган.

Байрут нашри

“Кичик тиб қонуни” асари 2003 йилда биринчи марта мисрлик тадқиқотчи олим Абул-Ҳасан Аҳмад Фарид ал-Мазидий томонидан Байрутдаги “Дор ал-кутуб ал-илмиййа” нашриётида чоп қилинади [2]. Ибн Сино илмий мероси мухлиси ва тадқиқотчиси ал-Мазидий файласуф-табибнинг “Рисола фи ҳифз ас-сиҳҳа” (“Саломатликни сақлаш ҳақида рисола”), “Дафъ ал-мадорр ал-куллийа ан ал-абдан ал-инсонийа би-тадорук анваъ хата ат-тадбир” (“Тадбирда йўл қўйилган ҳатоларни бартараф қилиш йўли билан инсон танасига етган зарарларни тузатиш”),

“Рисола фи-л-боҳ (“Шаҳвоний қувват ҳақида рисола”), ал-Адвийат ал-қалбиййа (“Юрак дорилари”), “Ҳифз ас-сиҳҳа ал-кабир” (“Саломатликни сақлашда катта [китоб]”) ва “ал-Мужарработ” (“Тажрибадан ўтган даволар”) каби рисолаларини ҳам нашр эттирган [2: 4].

Ал-Мазидий “Кичик тиб қонуни” китобига ёзган муқаддимасида қадимий табобат турлари, бу соҳада ёзилган Розийнинг (865–925) “Китоб ал-Ҳовий фи-т-тибб” (“Тибга оид [барча маълумотларни] қамровчи китоб”), Ибн Нафиснинг (1213–1288) “Китаб ал-шамил фи синаъат ат-тиббийа” (“Тиб санъатини қамровчи китоб”), Ибн Синонинг “ал-Қонун фи-т-тиб (“Тиб қонунлари”) ва Довуд Антокийнинг (1543–1599) “Тазкират ал-Довуд” (“Довуд тазкираси”) асарларини санаб ўтади. Ибн Синонинг таржимаи ҳоли, “Тиб қонунлари” нашрлари ва асарлари номларини келтиради [2: 11].

Ал-Мазидий “Кичик тиб қонуни”ни тадқиқ ва нашр қилишда Қоҳирадаги Араб қўлёзмалари институтидаги иккита нусхасидан фойдаланади. Бирини “ﻫ” (“ҳа”) ва иккинчисини “ﻉ” (“аъйн”) нусха деб номлайди. “ﻉ” нусха йигирма варақдан иборат бўлиб, андалусий хатида кўчирилган. Ал-Мазидий дастлаб, қўлёзма муқовасида “Мухтасар ал-қонун” (“Мухтасар қонун”) деб ёзилган ва тўлиқ ҳисобланган “ҳа” нусха матнини насх хатида кўчиради. Уни “ﻉ” нусха билан солиштириб, 104 бетдан иборат илмий танқидий матнни тайёрлайди. Нашр нусхада баъзи касалликларга – “Қувбоъ ўткир юмшоқ суюқлик ва савдо хилтидан пайдо бўлади”, “Шоҳданаж” форсча сўз, араблаштирилган, қанаб (кўкнори) ўсимлигининг уруғи, маҳаллий бир йиллик ўсимликдир” каби изоҳлар беради [2: 42, 90]. Дориларга: “Таранжубин – ҳарорати мўътадил, юмшатувчи ва жило берувчи, йўтал ва кўкракка фойда қилади, чанқоқни босади ва сафрони енгил кеткизади” сингари қўшимча тушунтиришлар ёзади [2: 97].

Айрим ўринларда матнни изоҳлашда Ибн Зуҳр (ваф.1131), Ибн Сино, Ибн ан-Нафис (1213–1288), Қутбиддин Шерозий (1236–1311) Ибн ал-Байтар (1197–1248) каби машҳур табиблар ва файласуфлар асарларидан иқтибослар келтирилади. Тиб илмининг назарий қисмига кирувчи “ал-Умур ат-табиййа” (“Табиий ишлар”) мавзусида Ибн ан-Нафиснинг “Мўъжаз ал-қонун” (“Ихчам қонун”) асаридан тўлароқ маълумот олиш мумкинлигини тавсия қилади” [2: 33].

Ал-Мазидий “Кичик тиб қонуни” ўша даврдаги амирлардан бири тиб қоидалари узун тафсилотларсиз қисқача баён қилинган китоб сўрагани учун ёзилганини таъкидлайди [2: 4]. Бироқ бу маълумот олинган манбани кўрсатмайди.

Мазкур нашрда дориворлар номини ёзишда баъзи хатолар учрайди. Тадқиқотчи араб тилида сирка маъносини берувчи “хал” сўзини кунжут ёғини англатувчи “ҳал” билан чалкаштириб юборган. Доришуносликда кенг қўлланадиган унсурлардан бирини “сирка ёғи” деб атайди, аммо сирка ёғи бўлмаслиги барчага маълумдир. Айрим камчиликларга қарамай, ал-Мазидийнинг ушбу нашри илмий аҳамиятга эга фойдали иш бўлган.

“Кичик тиб қонуни” нинг форсча таржимаси

Ибн Сино тибб илмининг буюк вакили, ҳозирга қадар дунёда унинг асарларига катта қизиқиш билан қаралади. Янги асари топилса ё нашр қилинса, барча уларни ўз тилида ўқишни истайди. Мазидий нашри билан ҳам худди шундай ҳолат кузатилди. Эронлик синошунос олим, Ҳурмузгон университети илмий ҳайъати аъзоси доктор Шокир Ливоий уни форс тилига ўгирди ва доктор-табиб Ҳусайн Ризоийзода таҳрири билан нашр қилди [5]. Қизиқ, таржимон ва муҳаррир ҳам ушбу асар муаллифи Ибн Сино эканига шубҳа билдиради. “Кичик тиб қонуни” ва Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” матнини солиштириб, улар матни тузилишида мос келмаслигини таъкидлайди. Шунга қарамасдан, форсча таржима нашрида ҳам “бу асар шайх ур-раис Ибн Синонга тегишли” (“ал-Қонун ас-сағир мансуб ба шайх ур-раис Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Пури Сино”) деб номланган [5: 2].

Форсча таржиманинг тадқиқ қисмида бу асар бирор каталогда қайд этилмагани, нашр нусханинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади. Китобнинг баъзи қисмларида доривор ўсимликлар ва касалликлар номларининг хато ёзилиши, тушириб қолдирилган ва ўқилмаган сўзлар мавжудлиги ва уларни тузатиш зарурлиги қайд этилади [5: 6]. Таржимон ва муҳаррир тушиб қолган, маъноси матн мазмунига мос келмаган 155 сўзни тузатган [5: 8–16].

Форсча таржимада ҳам асл матндаги нуқсон туфайли баъзи сўзлар хато таржима қилинган. Тўртинчи мақоланинг иккинчи

бобидаги “Иссиқ менингитни даволашда ишлатиладиган тавсиялар”да бемор ўзига келганда, асалли ҳаворий нони билан оз миқдорда табарзад шакари истеъмол қилиши ёзилади. Таржимон матндаги المعسول (ал-маъсул) сўзини “асалли” деб ўгирган. Аммо пастдаги изоҳда “ал-мағсул” (ивитилган) бўлиши ҳам мумкин дейди. Асарнинг бошқа нусхаларида бу сўз المغسول (ивитилган) бўлиб чиқди. Тўғри таржима: “Бемор ўзига келганда, ивитилган ҳаворий нони билан оз миқдорда табарзад шакари истеъмол қилади” [1: 72].

Теҳрон нашри

Теҳрон факсимиле нашрида “Кичик тиб қонуни” асари муаллифи Ибн Мандавайҳ экани кўрсатилган [8]. Бу нашр доктор Муҳаммад Садр шахсий коллекциясидаги нусха асосида чоп этилган. Доктор Муҳаммад Маҳдий Исфаҳоний унга “Ибн Мандавайҳ Исфаҳоний ва китоб-и Кифоя-йи ў” (“Ибн Мандавайҳ Исфаҳоний ва унинг “Кифоя” китоби”) номли мухтасар кириш сўзи ёзган. Унда ўрта аср манбаларида асар муаллифи ҳақида берилган маълумотларни келтиради. Низомий Арузий Самарқандий “Чаҳор мақола” (“Тўрт мақола”) асарининг тўртинчи мақоласида Ибн Мандавайҳнинг “Ал-Кифоя” номли асари борлигини айтгани қайд этилади [8: 3].

Амман нашри

Мисрлик тадқиқотчи доктор Абдулбоқий Абдулҳусайн 2019 ва 2021 йили Амманда айнан шу асарни бошқа номда ва муаллифи исфаҳонлик табиб Ибн Мандавайҳ, дея чоп эттиради [3]. Ношир асарга катта тадқиқот ёзиб, Султон Адудуддавланинг (949–983) Бағдодда заковат билан олиб борган сиёсий-ижтимоий фаолияти, илм аҳлига ғамхўрлиги, “ал-Бемористон ал-Адудий” (“Адудуддавла касалхонаси”) номли шифохона очиши ва унда хизмат қилган йигирма тўрт нафар энг сара табиб ҳақида батафсил маълумот беради. Ношир Ибн Мандавайҳ ҳам шу табиблар орасида бўлгани ва Ибн Сино, Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний, Абу ал-Ҳасан ибн Саъд каби табиблар билан тиббий мавзуда ёзишмалар олиб борганини таъкидлайди. Ибн Аби Усайбиъанинг “Ибн Мандавайҳ ҳозиқ табиб, Гален асарларининг шарҳловчиси”, деган сўзларини келтиради [3: 4]. Ибн Мандавайҳ ёзган асарлар сони қирққа етади [3: 29]. Исфаҳон шаҳрининг

географик жойлашуви, у ерда тиб илмининг ривож топиши ва Бағдод билан тиббий алоқалари ҳақида қизиқарли ахборотлар беради.

Доктор Абдулбоқий бу нашрни тайёрлашда Ирландиянинг Дублин шаҳри Честер Битти кутубхонасида сақланувчи иккита қўлёзма нусхадан фойдаланган. Улардан бири №3676 рақамда, 50 варақ, ёзувларига олтин суви юритилган, матни бутун сақланган. Тадқиқотчи уни “а” нусха деб атайди. Матн четида баъзи ўринларда шарҳ ва изоҳлар ёзилган. Матндаги айрим ҳарф ва сўзлар намлик таъсирида ўчган. Мазкур кутубхонада №3676 K.MG. рақами билан сақланаётган иккинчи қўлёзма нусха ҳам тадқиқотга жалб этилган. Унда олтита асар бор, биринчиси Ибн Синонинг “Юрак дорилари”га бағишланган рисоласидир. Доктор Абдулбоқий ушбу нашрида фойдаланган иккинчи “б” нусха мазкур жилддаги тўртинчи асардир. Уни истанбуллик Саййид Мустафо Сафий кўчирган. Асар 60 варақ, ҳижрий 1111 йил жумод ал-охир ойининг пайшанба кечаси (1699 йил декабр) кўчирилган.

Ношир асарни кўчирган котибнинг хатига ҳам эътибор қаратади. У айрим сўзлар ва ҳарфларни ўзига хос услубда ёзган. Мана улардан баъзилари: من/ (ман – ким), ان شاء الله تعالى/ (ин ша аллоҳ – Аллоҳ хоҳласа), ساعة/ (соат – соат).

Доктор Абдулбоқийнинг ушбу нашри бошқаларидан мукаммалроқдир. Асарга ёзилган катта тадқиқот бу нашрнинг аҳамиятини оширган.

Истанбул нашри

Туркиянинг Баҳчашеҳр университети профессори Қодиржон Кескинбора (Kadircan Keskinbora) “Кичик тиб қонуни” асарини ўрганиш ва уни илмий муомалага олиб кириш борасида бошқа тадқиқотчиларга қараганда катта ишларни амалга оширган. У “Кичик тиб қонуни” асари факсимиле нусхаси, унинг туркча таржимасини 2013 ҳамда 2015 йилда қайта туркча ва инглизчага таржима қилиб, чоп эттирди [6]. Қодиржон бу асарни 2020 йили Германияда ҳам инглиз тилида нашр эттиради [7]. Минг йил олдин ёзилган асарни замонавий тилларга таржима қилишда қўлёзмани ўқий олиш ва шарқ табобатидан хабардор бўлиш талаб этилади. Мутаржим таржима қилишда бу икки соҳадан хабардор эканини кўрсатиб, асар мазмунини замонавий ўқувчига тўлиқ етказа олган. Тушунилиши қийин сўзларни етарлича изоҳлаган.

Ҳозир қўлимизда 2015 йилда қилинган таржима ва нашр бор. Нашрга Баҳчашеҳр университети ректори, профессор Сенай Ялчин (Şenay Yalçın) “Ибн Сино ва ал-Қонун фи-т-тибб” номли кириш сўзи ёзган. Унда муаллиф буюк файласуф, табиб Ибн Сино ҳаёти ва асарлари, “Тиб қонунлари” китоби Европа олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқитилгани, мазкур асарнинг жаҳон илм-фани тарихидаги ўрни ҳақида тўхталган. Баҳчашеҳр университети тиб факультети декани профессор Туркер Қилич (Türker Kılıç) ҳам асарга сўзбоши ёзиб, Ибн Синонинг энциклопедик олим бўлгани, “Тиб қонунлари”нинг ёзилганига 1000 йил тўлгани муносабати билан ўтказиладиган симпозиумда бу асарнинг туркча таржимадаги нашрининг тақдим этилиши факультет учун фахр эканини айтиб ўтади ва профессор Қодиржон Кескинборага миннатдорчилик билдиради.

Қодиржон Кескинборанинг асарга ёзган муқаддимасида Ибн Сино ва унинг башариятга қолдирган улуғ мероси, “Тиб қонунлари” асари, гуморал назария ва “Кичик тиб қонуни” ҳақида мулоҳазаларини билдиради. 2013 йилдаги нашрда йўл қўйилган хатолар тузатилганлиги ва ўқувчилар аудиторияси кенгайиши учун асарни инглизчага таржима қилинганини айтиб ўтган. Унда ҳам юқорида келтирилган олимларнинг кириш сўзи таржима қилиб берилган. Таржимон Қ. Кескинборанинг юқорида айтиб ўтилган Аҳмад Фарид ал-Мазидий нашридан хабари йўқлиги туфайли таржима учун асос сифатида Боязид давлат кутубхонасининг Велиюддин Эфенди коллекциясида сақланувчи 2529-рақамдаги нусхадан фойдаланган. Асарнинг туркча таржимаси 79 бетдан иборат. Таржимон таржима жараёнида қийин сўзларни изоҳлаган, минг йил олдин ёзилгани сабабли айрим атама ва тушунчаларнинг замонавий муқобилини беришга ҳаракат қилган. Асарнинг биринчи мақоласидаги бешинчи боби “Томир уришини билиш ҳақида қисқа сўз” деб аталади. Унда келтирилган умуртқа поғонаси бўйлаб ўтган артерия томирини замонавий медицинада “абдоминал аорта” деб аталишини изоҳлаган [6: 24] ва айрим доривор ўсимликларни изоҳлаган. Масалан, “Қуст” ўтини шундай таърифлаган: “Унинг бир нечта тури бор. Бир тури Ҳиндистонда ўсади, қора рангли, енгил ва ширин бўлади. Бошқа тури Шомда ўсади ва хушбўй бўлади. Яна бир турининг ранги оқ, хушбўй, аммо таъми аччиқ. Бу денгиз қусти деб номланади” [6: 34].

Одатда манбашуносликда бирор-бир қадимги мумтоз матнни бошқа тилга таржима қилишда камида иккита қадимий нусха асосида тайёрланган танқидий матндан фойдаланилади. У мавжуд бўлмаса, ҳеч бўлмаганда иккита қадимий нусхасини солиштирган ҳолда таржимани амалга ошириши керак. Чунки асарнинг битта нусхаси тўлиқ бўлмаслиги ва кўчиришда котиб йўл қўйган камчиликларни бартараф этиш назарда тутилади. Таржимон бу йўлдан бормай, ўқилиши нисбатан осон бўлган Боязид кутубхонаси Велиюддин Эфенди коллекциясидаги 2529-нусхадан фойдаланган. Бу нусха Ибн Харуф номи билан танилган Шайх Абдулваҳҳоб томонидан насх хатида кўчирилган. Котиб асарни кўчиришда айрим сўз ва жумлаларни тушириб қолдирган, баъзи сўзларни ўқишда ўқувчи қийналади. Балки котиб бу сўзларни кўчираётганда ўзи ҳам тушунмай кўчирган бўлиши мумкин. Шу ва бошқа камчиликлар асарнинг туркча таржимасига салбий таъсир кўрсатган. Таржимон баъзи ўринларда қўлёзмада ўқий олмаган сўзларнинг арабча ёзилишини берган. Ўқий олмаган сўзларини таржима қилмасдан қолдириб кетган. Баъзи ўринларда аслиятдаги маънодан четлашиб, хато таржима қилган. Айрим атамаларнинг туркчадаги муқобилини бермасдан, транслитерациясини келтириш билан чекланган. Бундай камчиликларга асарнинг инглиз тилига қилинган таржимасида ҳам йўл қўйилган. Қуйида бу камчиликларнинг айримлари ҳақида тўхталамиз.

Тўғри ўқилмаган сўзлар. Асарнинг тўртинчи мақоласи биринчи боби бош касалликларига бағишланган. Муаллиф агар бош оғриғи чириган балғамдан юз берса, иёраж ва сабр уруғини беморга ичириш керак, дейди. Матндаги “сабр” аслиятда “шабёр” тарзида келган. Таржимон котиб йўл қўйган хатони такрорлаб, бу сўзни “шийбар” тарзида ўқиган ва дориворнинг арабча номини қавс ичида шундай қолдирган [6: 46]. Ўқилиши қийин сўзларни таржима қилмасдан қолдириб кетган. Иккинчи мақоладаги ўн учинчи “Зираворлар ҳақида”ги бобида *суммоқ* ўсимлигидан кейинги *амбарборис* (барборис) ўсимлиги таърифи тушиб қолган. Матн қуйидагича: “Барборис мураккаб қувватли, мўътадил, латифдир” [1: 58]. Баъзида аслиятда ўқилмай қолган сўзларнинг транслитерацияси ёзилиб, таржима қилинмасдан қавс ичида арабчаси берилган. Бундай сўзлар қаторига

ал-масл (المصل), *ал-мансун* (المنسون), *журбу* (جوربو) каби доривор ўсимликларнинг номлари ва бошқаларда учрайди [6: 35].

Нотўғри таржима қилинган ўринлар. Таржимани аслият билан солиштирганимизда айрим сўз ва жумлалар нотўғри ўгирилганини кўрдик. Тиббий асарларда беморга бериладиган дориларнинг таркиб тавсиялари (рецептлари) аниқ қилиб ёзилади. Мазкур асардаги баъзи рецептлар таржимасида ноаниқликлар мавжуд. Масалан, тўртинчи мақоланинг тўққизинчи "Кўзнинг яллиғланиши" бобидаги "Кўз яллиғланиши билан биргаликда кўздаги қизиллик камайиб, сафро аломатлари кўп бўлганда, сариқ ҳалила ва таррак қайнатмаси билан сурги қилиш орқали даволанади" жумласи "сариқ ҳалила қайнатмаси ва таррак билан сурги қилиш орқали даволанади", деб ўгирилган. Бироқ таржимада "қайнатма" сўзи икки дориворга тегишли бўлиб қолган [6: 49].

Асарнинг биринчи мақоласи иккинчи бобида инсон тана аъзоларининг анатомияси ҳақида сўз боради. Инсон танасини ўраб турувчи парданинг (ғишо) вазифаси ҳақидаги қисм шундай таржима қилинган:

واما الغشاء فانه جسم عصبى صلب, رقيق عديم الحركة ,ولها حس قليل, ومنفعته ان يقى الاعضاء ويصونها

Tercümesi: " Duysal (his) organlar, sinirsel cisimlerden oluşur. Sert ve ince olup hareketi ve hissi yoktur. Sert, ince, hareket ve hissi olmayan bir şeydir. Organları korumaya yarar [6: 14].

Таржимаси: "Пардага келсак, у сезувчан жисм бўлиб, қаттиқ, нозик ва ҳаракатланмайди, аммо озгина сезгиси бор. Аъзоларни сақлайди ва ҳимоя қилади".

Туркча таржимага диққат қиладиган бўлсак, парда (ғишо) сўзи "Сезги органлари" (Duysal (his) organlar) деб таржима қилинган. Бизнингча, таржимон бу сўзни тўғри ўқий олмаган. Жумла давомидаги "озгина сезгиси бор" бирикмасини "сезгиси йўқ" (hissi yoktur) деб таржима қилади. Таржимада мантиқий номутаносиблик мавжуд, таржимон жумла бошида "сезги органлари" деб ўгирган бўлса-да, жумла давомида бу аъзони "ҳисси йўқ" деб таърифлайди.

Иккинчи мақоланинг иккинчи бобида ўн еттита меванинг хоссалари ва инсон танасига таъсири ҳақида маълумот берилади. Бу

бобдаги биринчи мева нордон анор хусусиятларига бағишланган. Анорнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар қуйидагича ўгирилган:

الرمان الحامض بارد يابس عاقل للطبعية

Tercümesi: “Ekşi nar, soğuk, kurudur; insan doğasına faydalıdır”. Бу ердаги охирги инсон табиатига фойдалидир (insan doğasına faydalıdır) жумласи аслиятга мос тушмайди. Асл матнда “ични қотиради” маъносида келган [6: 30].

“Шарбатлар ва ичимликлар ҳақида”ги иккинчи мақоланинг ўн еттинчи бобида содда сиканжубин ҳақида сўз боради:

والاسكنجبين يضعف المعدة والعصب كله لحموضته

Таржимон фойдаланган нусхада ва биз тадқиқ қилган бошқа нусхаларда юқоридаги арабча жумланинг таржимаси: “Сканжубин нордонлиги сабабли меъда ва барча асабларни заифлаштиради” дейилган. Таржимон эса бу жумлани қуйидагича ўгирган:

Tercümesi:Sirkeli bal şerbeti ekşi olduğu için mide ve bağırsağı zayıflatır [6: 30].

Аслиятдаги “барча асабларни” жумласи таржимон томонидан “bağırsağı zayıflatır” яъни “ичакларни заифлаштиради” тарзида нотўғри таржима қилинган. Котибнинг хатоси туфайли нусхадаги “асаб” сўзидаги “сод” ва “аъйн” ҳарфларининг ўрни алмашиб қолган. Балки таржимон сўзни ўқий олмагани сабабли “ичакларни заифлаштиради” деб таржима қилгандир.

Тўртинчи мақоланинг биринчи бобида бош оғриғи ҳақида сўз боради. Унда муаллиф бош оғриғини келтириб чиқарувчи сабабларни санаб ўтади. Арабча матн қуйидагича:

...و اما ان يكون الصداع من البلغم العفن .

Tercümesi: ... baş ağrısı bazen yapışkan balgam kaynaklıdır.

Таржимаси: “... чириган балғамдан бош оғриғи пайдо бўлиши мумкин”. Таржимада “чириган балғам” – “ёпишқоқ балғам” деб хато ўгирилган [6: 46].

Атамаларнинг нотўғри таржима қилиниши. “Кичик тиб қонуни” ҳажми кичик бўлишига қарамай, унда кўплаб атамалар берилган. Табиблар минг йил олдин ишлатган тиббий истилоҳларни аниқ тушуниш ва ҳозирги замонавий тилларга ўгириш осон иш эмас. Шундай бўлса-да, таржимон асардаги тиббий атамаларнинг

аксариятини турк тилига тўғри ўгирган. Тадқиқот чоғида баъзи ўринлардагина хатолар борлиги аниқланди.

Шарқ табобобатида инсон аъзолари содда ва мураккабларга бўлинади. Содда аъзоларга суяк, асаб, вена қон томиирлар ва бошқалар киради. Уларнинг бир қисми яхлит ҳолати бир хилда номланади. Мураккаб аъзоларнинг таркиблари турли қисмлардан тузилган. Мураккаб аъзо таркибига кирган ўт қопи (марора) сўзини таржимон “сийдик йўллари” (idrar yollari) деб ўгирган [6: 15]. Бироқ ўт қопи ва сийдик йўллари орасида фарқ бор, ўт қопида жигардан келадиган ўт (сафро) йиғилиб етилади, сўнгра ўн икки бармоқли ичакка қуйилади. Уни араб тилида “марора”, сийдик йўллари “мажра ал-бавл” деб айтилади. Сийдик йўллари буйракдан сийдик қопига (қовуққа) келади.

Иккинчи мақоланинг 18-бобидаги ёввойи сабзи (шақоқил) ўти “Hind ağacı, şakakıl” тарзда берилган. Яна биринчи мақола иккинчи бобидаги “русғ” сўзи “қўл” деб таржима қилинган, у “билак” маъносини англатади. Арабчада “қўл” маъносида “йад” сўзи ишлатилади.

Биринчи мақоланинг 3-бобида мураккаб аъзоларга кирувчи “диафрагма” сўзи келган:

والحجاب الحاجز بين الصدر والبطن

Tercümesi: Kaş, kiprik, göguş, karın[6: 15].

Таржимон аслиятдаги “вал ҳижаб ал-ҳажиз байнас садри вал батни” жумласини алоҳида аъзо сифатида “қош, киприк, кўкрак ва қорин” деб нотўғри таржима қилган. Аслиятда бўлмаган “қош”, “киприк” сўзларини ўзидан қўшган. Атаманинг нотўғри таржима қилинишига қўлёзмада котиб томонидан бу сўзлар алоҳида қизил вергул билан ажратиб ёзилганлиги бўлиши мумкин. Таржимон асарни ўгиришда бошқа нусхаларни ишга жалб этмагани билинади. Уларда бу атама тўғри берилган. Шуни қайд қилиш керакки, “Аъзоларнинг анатомияси ва вазифаси ҳақида”ги қисмда таржимон бу аъзони кўкрак пардаси – диафрагма тарзида тўғри таржима қилган . “Ҳилбот” сўзи қўлёзмада тушунарсиз ёзилгани учун таржимон “Cilat (celi türleri)” тарзида нотўғри ўқиган. “Луғатнома-и Деҳхудо”да бу сўз – “ёпишқоқ таомнинг бир тури, шанбалила уруғи, хурмо ёки бошқа донлардан тайёрланади”, дейилади.

Таржима қилинмай қолиб кетган ўринлар. Таржимада кўп ўринларда аслиятдаги сўз ва жумлалар таржима қилинмай қолиб

кетган. Биринчи мақоланинг иккинчи боби содда аъзолар қисмидаги қўлнинг анатомияси ҳақидаги “Ҳар бир қўл, бир бицепс, бир пастки билак ва саккиз суякдан ташкил топган” гапидан кейинги “барчасига қўл дейилади” жумласи тушиб қолган [6: 13].

Гуруч – биринчи даражада иссиқ ва тутувчидир (қобиз) (Таржимада иккинчи даражада қобиз жумласи учрамайди [6: 22].

Учинчи мақоланинг “Ҳомиладор аёл тадбири ҳақида”ги еттинчи бобида ҳомиладор аёллар тўрт ойгача томирдан қон олиш, ҳижома қилиш, ични сурги қилиш, қусиш, қаттиқ қўрқиш, баланд овоз, ҳиди ўткир овқатларни ҳидлашдан сақланиши лозимлиги уқтирилади. Жисмо-нан бақувват бўлса ва эҳтиёж сезилгандагина етти ойдан кейин томирдан қон олиш, ҳижомат ёки ични сурги қилишга буюрилади. Аслиятдаги “томирдан қон олиш” жумласи таржимада тушиб қолган [6: 42].

Таржимон юқорида айтиб ўтилган ўринларда камчиликларга йўл қўйган бўлса-да, асарнинг умумий мазмунини туркчада акс эттиришга эришган. Асарнинг кейинги нашрларида бу каби хато ва камчиликлар эътиборга олиниб, тўғриланса керак.

“Кичик тиб қонуни” асрлар давомида котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилган, табибларга дастур бўлиб хизмат қилган. У қимматбаҳо китоб сифатида ҳатто турк султонларига ажойиб безакли тарзда кўчирилиб, тортиқ қилинган.

XXI аср бошида аввал мисрлик олим ал-Мазидий нашри бу асарнинг илмий доирага янада чуқурроқ киришига сабаб бўлди. Эронлик олимлар шу нашр асосида уни форс тилига таржима қилишди. 2013 йилда туркиялик олим Қодиржон Кескинбора асарнинг факсимиле нусхасини тайёрлаб, уни турк ва инглиз тилларига ўгириб, кенг жамоатчиликка тақдим этди. 2019–2021 йиллардаги доктор Абдулбоқий нашри унинг дунёда оммавийлашишини кучайтирди [2, 3, 5, 6].

Мазкур мақола “Кичик тиб қонуни”нинг барча нусхаларини топиш, матнини тўлиқ ўрганиш ва муаллифи масаласига аниқлик киритиш борасидаги уринишлардан биридир. Ҳозирга қадар унинг 12 та нусхаси топилди. Уларни қиёсий ўрганиб, ўзбек тилига изоҳли ўгиришда юқоридаги таржималар ҳам жуда фойдали бўлмоқда. Бу асарнинг тадқиқи ва таржимаси ўзбек халқи маънавий мероси, маданий-маърифий олами ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Али ибн Сино. Ибн Синога нисбат берилган “Кичик тиб қонуни” / Араб тилидаги танқидий матнни тузувчи, таржимон ва кўрсаткичлар муаллифлари Баҳром Абдуҳалимов, Фахриддин Ибрагимов. Тошкент. 2021.
2. Абу-л-Ҳасан Аҳмад Фарид ал-Мазидий. ал-Қонун ас-Сағир фи-т-тиб. Байрут-Ливан, 2003.
3. Ибн Мандавайҳ. ал-Кафи фит-тиб / Ношир: Аҳмад Абдулбоқий Ҳусайн. Амман, 2021.
4. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983.
5. Қонуни кучек / Баргардон Шокир Лавоий. Тадқиқ ве виростори доктор Ҳусайн Ризоий зода. Теҳрон, 1388/2008.
6. Kadircan Keskinbora. İbn Sina’nın Küçük Tıp Kanunu. Bahçeşehir üniversitesi yayınları, 2015.
7. Ibn Sīnā. The Little Qanun of Ibn Sina / Ed. Kadircan Hidir Keskinbora. Berlin, 2020.
8. ابن مندویه. کفایه (الکافی فی الطب). دانشگاه علوم پزشکی ایران. مؤسسه مطالعات تاریخ پزشکی. طب اسلامی و مکمل/1386/2008

Ф. Ибрагимов

“Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида тиб илмининг назарий ва амалий жиҳатларини ёритувчи кичик ҳажмли асарлар ёзилган. Бу турдаги асарлар асосан, даволаш амалиёти билан шуғулланувчи табиблар ва бу соҳада эндигина иш бошлаганларнинг тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилган. Кейинчалик бундай асарлар мадрасаларда дарслик сифатида ҳам ўқитилган. Ушбу тиббий асарлар ҳақидаги маълумотлар ўрта аср библиографиялари, тибга оид асарлар қўлёзмалари ва замонавий каталогларда ҳам мавжуд. Бугунга қадар мазкур асарларнинг дунё фондларида кўплаб қўлёзмалари сақланади, улар умумлаштирилган қамровда, ҳар томонлама ўрганилмаган. “Кичик тиб қонуни” ҳам илмий асосларда тадқиқ қилинмаган шундай асарлар қаторида туради. Уни атрофлича ўрганиш миллатнинг бугунги илм-фани ва маънавияти ривожига хизмат қилади.

Калит сўзлар: *X–XI аср мусулмон табобати, Ибн Сино, Ибн Мандавайҳ, Кичик тиб қонуни, апокрифлар, нисбат берилган асар.*

Ф. Ибрагимов

Об изучении «Малого канона медицины»

На средневековом мусульманском Востоке была распространена практика написания кратких (*мухтасар*) сочинений, посвящённых различным теоретическим и практическим аспектам медицины. Подобные виды работ писались преимущественно как для практикующих лекарей (*табиб/аттиба'*), так и для не обладающих глубокими познаниями в медицине обывателей с целью повышения их медицинской грамотности. Наряду с этим, эти произведения были распространены в медресе и служили в качестве своеобразных учебных пособий. Сведения о таких компендиумах по медицине встречаются в средневековых библиографиях, рукописях медицинских трудов и в современных каталогах. На сегодняшний день в различных рукописных фондах мира хранится множество рукописных списков этих произведений. Между тем, комплексное изучение таких компендиумов всё ещё остаётся актуальной задачей. Ярким примером сложившейся ситуации служит «Малый канон медицины» – произведение до настоящего времени малоизвестное широкой научной общественности, однако в данном контексте заслуживающее самого пристального внимания.

Ключевые слова: *Мусульманская медицина в X–XI вв., Ибн Сина, Ибн Мандавайх, «Малый канон медицины», апокрифы, атрибуция текста.*

F. Ibragimov

On the study of the work "al-Qānūn al-ṣaġīr fī l-ṭibb"

In the medieval Muslim East, the practice of writing short (mukhtasar) essays on various theoretical and practical aspects of medicine was widespread. Such works were written mainly for practicing physicians (tabib/attiba') and ordinary people who do not have deep knowledge of medicine to improve their medical literacy. Additionally, these works were

distributed in madrasahs and served as teaching aids. Information about such compendiums on medicine is found in medieval bibliographiesand catalogs compiled by modern bibliographers. To date, many manuscripts of these works are stored in various manuscript collections around the world. However, a comprehensive study of such compendiums is still an urgent task. A striking example of the current situation is the “The Little Canon of Medicine” – a work that remains unknown to the general scientific community. It deserves the closest attention.

Key words: *Muslim medicine in the 10th-11th centuries, Ibn Sina, Ibn Mandawayh, "The little Canon of Medicine", apocrypha, text attribution.*

Б. Абдухалимов

Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи

Мы продолжаем публикацию серии статей, посвященных изучению юридических документов, включенных в двадцать восьмой раздел уникального труда Абу Хафса ан-Насафи (1067–1142) «Место восхождения звезд и средоточие наук» («Матла ан-нуджум ва маджма ал-улум») [1; 2; 3; 4]. Предметом нынешней нашей публикации являются разделы книги, посвященные формулярам записей о разделе наследства.

[YIII]
[л. 250*б*, 19 – л. 250*б*, 31]

Запись о разделе наследства при различии видов его[1]

(1) Это – то, что свидетельствуют …до наших слов: (2) … Что такое-то умер и оставил после себя из оставленного имущества[2] то, что оставляют подобные ему: (3) из лошадей – столько-то, из ослов –

[1] О правилах раздела наследства (الفرائض) см. в нашем источнике (л. 152*б*, 31-л.157*б*, 31) также, варсифированное изложение этих правил, принадлежащих некоему саманидскому секретарю Абу Мансуру ибн Али ал-Мухаллаби (л.167*а*-л.168*а*). Специально этому посвящена монография Хасана Халиди и Аднана Наджа المواريث في الشريعة الإسلامية [10].

[2] Так здесь и ниже мы переводим термин تركة.

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.